



BUYRUQ

2022 у. «01» 07

TOSHKENT

№ 647-Н

Жамиятнинг коррупцияга
қарши курашиш бўйича
асосий ички идоравий
хужжатларини тасдиқлаш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5729-сонли Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6096-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда Жамиятда коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтириш, коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” (compliance control) тизимини жорий этиш ва унинг самарадорлигини мониторинг қилиш, шунингдек коррупцияга қарши курашишнинг менежмент тизими ISO 37001 стандарти бўйича сертификатлаштириш чораларини кўриш мақсадида, **б у ю р а м а н:**

1. Жамият фаолиятига ISO 37001:2016 коррупцияга қарши курашишнинг халқаро менежмент тизимини жорий этиш бўйича Жамиятнинг ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ички идоравий хужжатлар:

– “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг минтақавий темир йўл узеллари, бошқармалари, марказлари, дирекциялари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва таркибий бўлинмаларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти **1-иловага** мувофиқ;

– “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг минтақавий темир йўл узеллари, бошқармалари, марказлари, дирекциялари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом **2-иловага** мувофиқ;

– “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-харакатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти **3-иловага** мувофиқ;

– “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг минтакавий темир йўл узеллари, бошқармалари, марказлари, дирекциялари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва таркибий бўлинмалари ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома **4-иловага** мувофиқ;

– “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг минтакавий темир йўл узеллари, бошқармалари, марказлари, дирекциялари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома **5-иловага** мувофиқ;

– “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг минтакавий темир йўл узеллари, бошқармалари, марказлари, дирекциялари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома **6-иловага** мувофиқ;

– “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг минтакавий темир йўл узеллари, бошқармалари, марказлари, дирекциялари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва таркибий бўлинмаларида Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Усубиёти **7-иловага** мувофиқ;

– “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг минтакавий темир йўл узеллари, бошқармалари, марказлари, дирекциялари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом **8-иловага** мувофиқ;

– “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг минтакавий темир йўл узеллари, бошқармалари, марказлари, дирекциялари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва таркибий бўлинмаларида ходимларнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламент **9-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига кирувчи барча бошқармалар ва тизим ташкилотлари томонидан мазкур коррупцияга қарши курашиш бўйича Жамиятнинг асосий ички идоравий ҳужжатлари ижро учун қабул қилинсин ва ижроси сўзсиз таъминлансин.

3. Жамиятнинг юридик мақомига эга бўлган корхоналари раҳбарлари:

– **5 кун муддатда** ўзларининг мавжуд штат бирликлари доирасида камида бир нафардан (*юридик, иқтисод, солиқ ёки молия йўналишида олий маълумотга эга шахслар орасидан*) Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси фаолиятига масъул ходим(лар)ни Жамиятнинг Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси (Шодмонов) билан (*номзоднинг Ф.И.Ш, паспорт нусхаси, шахсий маълумотномасини тақдим этган ҳолда*) келишиб, тайинласин;

– 10 кун муддатда Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ички идоравий ҳужжатлари асосида ўзларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатлари қабул қилиниши ҳамда ўз фаолиятига татбиқ қилинишини таъминласин.

4. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига кирувчи хўжалик жамиятларига масъул этиб белгиланган шахслар, ўзлари бириктирилган корхоналарда коррупцияга қарши курашиш бўйича ички идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини ҳамда мазкур буйруқнинг 3-банди иккинчи хатбошисида белгиланган муддат ва тартибда Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси фаолиятига масъул ходим(лар) тайинланишини таъминласинлар.

5. Бошқарув раиси ҳузуридаги котибият (Шарипов) Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси (Шодмонов) билан бирга ушбу буйруқ ва унинг иловаларини электрон шаклда Жамиятнинг барча тизим ташкилотларига етказилишини таъминласин.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Бошқарув раиси в.б.



Х.Н. Хасилов

“Коррупцияга қарши курашиш бўйича Жамиятнинг асосий ички идоравий
хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғига
КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

2022 йил «04» 07

647-Н-сонли

Киритилди:

НК *[Signature]*

Келишилган:

НЗК *[Signature]*

НЗП _____

ННОК *[Signature]*

НЮ *[Signature]*

НКО *[Signature]*

НКЗ *[Signature]*

НН *[Signature]*

НФ *[Signature]*

НТ *[Signature]*

[Circular Stamp]